



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI HAY'AT QARORI

2023-yil 28-fevral

№ 3/1

2022 йил давомида вазирлик тизимида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида вазирликка юклатилган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш юзасидан раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлик ҳайъати қайд этадики, 2022 йил давомида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислохотларни янада такомиллаштириш, республикада аҳолини ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув билан барқарор таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалигига бозор тамойиллари ва механизмларини ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, сув хўжалиги объектларининг ишончли ишлашини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан:

вегетация мавсуми давомида сув ресурсларини самарали бошқариш, сувни тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация тадбирларини амалга ошириш, ерларни лазерли текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан жами 7,0 млрд.м³ сув тежалишига эришилган;

куйи бўғинда сув ресурсларини самарали бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини тўлақонли юритиш, сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнларга хусусий секторни кенг жалб қилиш мақсадида жами 161 та Сув хўжалигининг махсус хизмати ташкил этилган, 72 минг 828 та сув истеъмолчилари томонидан олинган сувнинг ҳисоби юритилаётгани ва йил якуни билан солиқ идораларига истеъмолчиларнинг олган сув миқдорлари тўғрисида аниқ маълумотлар шакллантириш имконияти яратилган;

463,7 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган бўлиб, шундан 89,8 минг гектар майдонларда томчилатиб суғориш, 16,2 минг гектар бошоқли дон ва бошқа экин майдонларида ёмғирлатиб суғориш, 5,7 минг гектар майдонда дискрет суғориш ҳамда 109,0 минг гектар майдонда бошқа замонавий суғориш ишлари амалга оширилиб, 243,0 минг гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонлари лазер ускунаси ёрдамида текисланган;

сув хўжалиги объектларига 2 928 та “Ақлли сув” қурилмаси, насос станцияларига 1 008 та сувни “онлайн” назорат қилиш қурилмаси, мелиоратив кузатув қудуқларига 2 630 та сизот сувлари сатҳи ҳамда минераллашганлик

даражасини онлайн назорат қилувчи “Дайвер” қурилмалари ўрнатилган, ҳамда 24 та йирик сув хўжалиги объектларининг бошқарув жараёни *автоматлаштирилган*;

ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 136 та объект, мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича эса 75 та объект фойдаланишга топширилган, ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 226 та лойиҳа доирасида 438,6 км каналлар, 141,8 км лоток тармоқлари, 17,4 м³/с сув чиқариш қувватига эга бўлган насос станциялар, 19,8 км босимли қувурлар, 35 та гидротехник иншоот, 54 та суғориш қудуқлари қурилган ва реконструкция қилинган ҳамда 17,4 км қирғоқ ҳимоя ишлари бажарилган;

мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 100 та лойиҳа доирасида 769,0 км коллектор-дренаж тармоқлари, 5 та мелиоратив насос станция, 18 та кўприк, 95 та тик дренаж қудуқ ҳамда 418 та кузатув қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган. Амалга оширилган тадбирлар натижасида 347,9 минг га майдоннинг сув таъминоти, 150 минг га майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилган;

1 173 км суғориш тармоқлари, 311 км коллектор тармоқларини қуриш ва таъмирлаш, 605 та суғориш қудуқларини қуриш, 50 та насос агрегатлари ўрнатиш ҳамда 331 км электр узатиш тармоқлари тортиш ишларини амалга ошириш натижасида 133,7 минг га фойдаланишдан чиққан ер майдонлари қишлоқ хўжалиги фойдаланишига киритилган;

185 дона насос, 357 дона электродвигателлар, 5 044 дона ёруғликдиод лампалар, 100 дона конденсатор қурилмалари, 69 дона частота ўзгартирувчи қурилмалар ва 84 дона қуёш батареялари ўрнатилди ҳамда 2 261 дона насос агрегатлари ҳамда 1 626 дона суғориш қудуқлари таъмирланган бўлиб, амалга оширилган тадбирлар натижасида 2022 йил давомида 369,2 млн.кВт.соат электр энергияси тежалишига эришилган;

халқаро молия институтлари иштирокидаги 5 та лойиҳа доирасида 100,2 фоиз хорижий кредитлар ўзлаштирилган, бунинг натижасида 295 км узунликдаги каналлар ва улардаги 817 та гидротехник иншоотлар реконструкция қилинган, 35 та вертикал суғориш қудуқлар бурғиланган, 4 000 га суғориш майдонлари лазер ускунаси ёрдамида текисланган ва чуқур юмшатирилган.

Лекин, эришилган натижалар билан бирга ҳисобот даврида бир қатор хато ва камчиликларга, қолоқликларга ҳам йўл қўйилган бўлиб, ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Жумладан:

2022 йил давомида 161,8 млрд. сўмлик сув хўжалиги хизматлари кўрсатилган бўлиб, сув истеъмолчилари томонидан *бор-йўғи 34,8 млрд. сўм (22,0 фоиз)* маблағ тўлаб берилган бўлиб, ушбу маблағлар асосан иш ҳақига сарфланган;

сув хўжалиги ташкилотлари томонидан режалаштирилган 118 та сув ўлчаш воситаларидан, 42 та (*режага нисбатан 36,0 фоиз*), 5890 та сув ўлчаш рейкаларидан 4702 та (*режага нисбатан 80,0 фоиз*) сотиб олинган;

421 та гидростларда таъмирлаш ишлари бажарилмаган ва 557 та гидростнинг аттестация ҳужжатлари намунавий шаклда расмийлаштирилмаган, 144 та сув ўлчаш воситалари тарировка ва қиёслаш кўригидан ўтказилмаган, 76 та сув ўлчаш воситалари янгидан сотиб олинмаган, режадаги 1 188 та сув ўлчаш рейкалари ва 112 та штангалари сотиб олинмаган;

соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича маҳаллий бюджетдан талабга нисбатан 51,1 млрд. сўм ёки 41,0 фоиз маблағ ажратилмаганлиги натижасида “*Ақлли сув*” қурилмаларини ўрнатиш ишлари Бухоро вилоятида 81,0 фоиз, Қорақалпоғистон Республикасида 80,0 фоиз, Навоий вилоятида 76,0 фоиз, Қашқадарё

вилоятида 62,0 фоиз, Наманган вилояти 49,0 фоиз, Андижон вилоятида 46,0 фоизга бажарилган бўлса, бу кўрсаткич Сирдарё вилоятида 24,0 фоиз, Сурхондарё вилоятида 23,0 фоиз ҳамда Тошкент вилоятида бор-йўғи 17,0 фоизни ташкил қилган, холос;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-144-сонли қарори билан белгиланган режа-прогноз кўрсаткичларига нисбатан 140,2 минг гектар ёки 61,0 фоиз (шундан пахтада 106,7 минг гектар 67,0 фоиз) майдонларда томчилатиб суғориш, 11,8 минг гектар ёки 42,0 фоиз майдонларда ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий қилинмаган.

Навоий вилоятида 12,1 минг гектар (83,0 фоиз), Сирдарё вилоятида 12,4 минг гектар (79,0 фоиз), Қорақалпоғистон Республикасида 12,1 минг гектар (79,0 фоиз), Сурхондарё вилоятида 13,5 минг гектар (79,0 фоиз), Хоразм вилоятида 12,4 минг гектар (73,0 фоиз) майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича белгиланган режа-прогноз кўрсаткичлари бажарилмасдан қолган.

Андижон вилоятида 1,8 минг гектар (92,0 фоиз), Сурхондарё вилоятида 1,9 минг гектар (88,0 фоиз), Сирдарё вилоятида 1,2 минг гектар (88,0 фоиз), Наманган вилоятида 1,4 минг гектар (70,0 фоиз), Самарқанд вилоятида 1,5 минг гектар (63,0 фоиз), Қашқадарё вилоятида 1,8 минг гектар (66,0 фоиз) майдонларда ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича белгиланган режа-прогноз кўрсаткичлари бажарилмасдан қолган.

2022 йил давомида қайд этилган хато-камчиликлар ва қолоқликларни зудлик билан бартараф этиш, ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан 2023 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминлаш юзасидан бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида ҳайъат йиғилиши

Қарор қилади:

1. 2022 йил давомида вазирлик тизимида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида вазирликка юклатилган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш юзасидан раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборот **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

2. Вазирликнинг 2022 йил 29 декабрдаги 17/1-сонли ҳайъат қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида сув хўжалиги соҳасида юклатилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режаси **раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.**

3. Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туманлар ирригация бўлимлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари

билан 2022 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги амалга оширилган ишлар **талаб даражасида эмас деб топилсин.**

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “**Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПҚ-144-сон қарори билан 2022 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ижросини белгиланган муддатда ва тўлақонли таъминламаганлиги, зиммасига юклатилган вазифаларни бажара олмагани ҳамда ўз фаолиятини давлат сиёсати ва амалга оширилаётган ислохотларга мос равишда ташкил этмаганлиги учун Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бошқармаси бошлиғи в.б. Ф.Қузиёев, бошқарма бош мутахассиси Т.Қаюмов, Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази бош мутахассиси Ф.Норқулов ҳамда Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Ф.Раджабовларнинг **эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.**

5. Ўтган йил давомида вазирлик томонидан қабул қилинган буйруқлар, ҳайъат қарорлари ва вазирлик марказий аппарат йиғилишлари қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддаси 1-қисмига мувофиқ **ҳайфсан** эълон қилинганлигини эътиборга олиб, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, сувнинг ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш, сув хўжалигининг махсус хизматини ҳамда гидрометрия хизматини ташкил этиш масалалари юзасидан 2022 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқлар ижросини белгиланган муддатда ва тўлақонли таъминламаганлиги учун Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири А.Реимбаев, Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Т.Алимов, Қуйи-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Ш.Исраилов, Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи А.Турсунов, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи А.Бойсариев ҳамда Қуйи-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи А.Убайдуллаевларга **сўнгги мартаба оғоҳлантириш эълон қилинсин.**

6. Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи М.Турдиев ҳамда Қуйи-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Ш.Исраилов гидрометрия хизматини тартибга солиш ва сувнинг ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш бўйича 2022 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқлар ижросига масъулиятсизлик билан ёндашган Жиззах сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси, Шўрўзак-Сирдарё ирригация тизими бошқармаси, Боёвут, Гулистон ва Сайхунобод туман ирригация бўлими раҳбарларига нисбатан **уч кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ **меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган навбатдаги интизомий жазо чораларини** қўлласинлар, буйруқ нусхасини ва тушунтириш хатларини вазирликка тақдим қилсинлар.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларига:

3 кун муддат ичида жойларда 2022 йил давомида амалга оширилган ишларни танқидий руҳда муҳокама қилиб, ҳайъат йиғилишига тақдим қилинган маълумотномада қайд этилган хато-камчиликлар ва қолоқликларни зудлик билан бартараф этиш, ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни ҳал қилиш юзасидан **чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш**, унинг ижроси ҳақида **ҳар ой якуни билан** вазирликка ёзма равишда ахборот тақдим қилиш;

5 кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “*Куйи бўгинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида*”ги ПҚ-145-сонли қарори топшириқларидан келиб чиқиб, мева-сабзавотчилик ва шолчиликка ихтисослашган туманлардаги сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторлар бошқарувига бериш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиб, вазирликка тақдим қилиш;

5 кун муддат ичида саноат ва энергетика корхоналари билан техник сув етказиб бериш бўйича 2023 йил учун шартномаларни расмийлаштириш, тузилган шартнома бўйича маблағларни тўлиқ ундириш чораларини кўриш ҳамда белгиланган тартибда тушган маблағнинг 90,0 фоизини вазирлик ҳузуридаги ривожлантириш жамғармасига ўтказиб борилишини таъминлаш;

ўн кун муддат ичида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда техникалар сонини кўпайтириб, шўр ювишга ер тайёрлаш, чел, пол ва ўқ ариқ олиш ишларини яқунлаш, тизим ташкилотлар ҳисобидаги носоз сув ўлчаш воситаларини тарировка ва метрологик қиёслаш кўригидан ўтказиш;

ўн кун муддат ичида сув хўжалигининг махсус хизматлари томонидан сув олиш лимитлари ва сувдан фойдаланиш режаларини истеъмолчилар кесимида ишлаб чиқиб, тасдиқланган ҳолда вазирликка тақдим қилиш;

20 кун муддат ичида мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлардан келиб чиққан ҳолда натижадорликка йўналтирилган ихчам ва профессионал давлат бошқаруви тизимини яратиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида муайян бир ташкилотда **3 йил ва ундан ортиқ вақт мобайнида** Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, шунингдек, Кадрлар билан ишлаш бўлимлари бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келаётган раҳбар-кадрларни вазирлик тасарруфидаги бошқа тизим ташкилотларига ўтказиш (*ротация қилиш*)ни таъминлаш;

жорий йилнинг 1 мартига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари биносида “*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини мезанизациялаш муҳандислари институти*” миллий-тадқиқот университети профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда **туман ирригация бўлимлари раҳбар ва ходимларини, туманлардаги мироблар, участка гидротехниклари ҳамда гидрометрларнинг 5 кунлик ўқишларини** ташкил этиш, бунда асосий эътиборни сувнинг ҳисоб-китобини тўғри юритиш, замонавий сув ўлчаш қурилмаларидан фойдаланиш, сув хўжалигининг махсус хизматини ҳамда гидрометрия хизматини ташкил этиш масалаларига эътиборни қаратиб, уларнинг *гидравлика (7 та формула), гидрометрия ва гидромодул* масалалари бўйича тўлиқ тушунчага эга бўлишини таъминлаш;

жорий йилнинг 1 мартига қадар сув хўжалигининг махсус хизматлари томонидан кўрсатилган сув хўжалиги хизматлари учун тўланиши керак бўлган маблағларни ўтказиб бериш чораларини кўриш, ушбу маблағлар ҳисобига бизнес режада кўзда тутилган барча ишлар, ирригация-мелиорация объектларини таъмирлаш, сув ўлчаш қурилмалари билан жихозлаш каби ишларни ўз вақтида амалга ошириш;

2023 йил 1 мартдан 1 апрелга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳамда Насос станциялари ва энергетика бошқармалари, “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари, Мелиоратив экспедициялар, йирик гидротехник иншоотлар ва сув

омборлари, ирригация тизим бошқармалари, туманлар ирригация бўлимларида **ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини** уюшқоқлик билан юқори савияда ташкил этиш;

ўзлари раҳбарлик қилаётган идорага қарашли ҳудудларни ободонлаштириш, идорага бириктирилган ер майдонларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш мақсадида ушбу ер майдонларига, ариқ ва зовурлар атрофига манзарали дарахт ва декоратив гуллар, шунингдек мева, сабзавот ва полиз экинлари экилишини таъминлаш, экилган манзарали дарахт ва декоратив гуллар, шунингдек мева, сабзавот ва полиз экинларини сақлаш ва парваришлаш учун масъул бўлган ходимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш чораларини белгилаш;

ўзлари ҳомийликларидаги кекса ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз кишилар ва кам таъминланган оилаларига кўмаклашиш;

ободонлаштириш ва тозалик ойлиги қатнашчиларини зарур техника воситалари ва анжомлар билан таъминлаш;

ўз тасарруфидаги маъмурий ва ишлаб чиқариш объектлари, ижтимоий аҳамиятга молик бинолар ҳамда ҳудудларда дарахтларни оқлаш ва бўяш, кўча ва йўлакларни тартибга келтириш, қурилиш, ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндиларни ташкилий равишда тўплаш ва ташиб кетиш;

бинолар ва ҳовлилар атрофини, ҳудудларидаги боғ ва хиёбонлар, ариқлар ва лотокларни, сув хўжалиги тизимидаги иншоотларни тозалаш;

вегетация мавсумига бошлангунга қадар ирригация ва мелиорация объектларида олиб борилаётган ишлар юзасидан тизимли мониторинг юритиш, ирригация тизими каналларини тозалаш ҳамда улардаги гидротехника иншоотлари ва гидропостларни таъмирлаш даврда қатнашаётган экскаватор, бульдозер ва бошқа механизмларнинг машинист ҳамда механизаторларига етарли шароит яратиш, иссиқ овқат ва маошларини ўз вақтида бериш ҳамда амалга оширилаётган ишлар ҳақида **ҳар 5 кунда** вазирликка ёзма равишда ахборот тақдим этиш;

бир ой муддатда сотиб олинishi режалаштирилган сув ўлчаш воситалари, гидрометрик штанга ва рейкалар учун маҳаллий бюджетдан етарли миқдорда маблағларни ажратиш ҳамда тўлиқ сотиб олиш, “Ақли сув” қурилмалари ўрнатилиши белгиланган гидропостларни тўлиқ таъмирлаш-тиклаш, стандарт сув ўлчаш рейкалари билан жиҳозлаш, гидропостларнинг аттестация ва техник паспортларини талаб даражасида расмийлаштириш ва сув сарфи жадвалларини юқори аниқликда ишлаб чиқиш;

ҳар ҳафтанинг сешанба кунини сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида хусусий шериклар бошқарувида бериш ҳамда соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш **кунини деб қатъий белгиланган ҳолда**, бу борада олиб борилаётган ишларни чуқур таҳлиллар асосида муҳокама қилиш, хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш ҳамда мавжуд муаммо ва эришилмаган натижаларни жойида ҳал қилиш бўйича ишни тизимли равишда ташкил этиш;

ҳар ойда тайинланган ходимлар томонидан ҳудудларда ўрнатилган қурилмаларни жойига чиққан ҳолда созлиги, ишчи ҳолатда эканлиги ва маълумот доимий узатаётганлигини мунтазам равишда мониторинг қилиш ишларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида сув хўжалиги соҳасига юклатилган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш, қуйи бўғинда сув ресурсларини самарали бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини тўлақонли

юретиш, сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнларга давлат-хусусий шерикликни кенг жалб қилиш бўйича топшириқлар ижросини тизимли равишда ташкил этиш ва таъминлаш;

раҳбар кадрларнинг ҳақиқий заҳирасини шакллантириш, уларнинг сиёсий, ижтимоий, касбий билимларини ошириш, танлаш ва жой-жойига қўйиш, бўш лавозим ўринларига ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва бунёдкорлик ишларида фаол қатнашадиган, фидоий, ватанпарвар, садоқатли ёш кадрлар билан тўлдириб бориш;

барча даражадаги раҳбар-ходимларнинг ҳукуқий онги ва ҳукуқий маданиятини юксалтириш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қабул қилинган давлат дастурларининг амалга оширилишини изчиллик билан ташкил этиш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, таъбир жоиз бўлса “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, чек қўйиш ва оқибатларини, шунингдек, унга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тизимли равишда ташкил этиш вазифалари топширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган вазифалар асосида 2023 йилга белгиланган прогноз кўрсаткичлар ва топшириқларнинг ижросини белгиланган муддатларда, сифатли ва тўлақонли таъминлашга Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотларининг **биринчи раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланадилар.**

8. Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори Ш.Ражаметов:

жорий йил 10 мартга қадар “Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 95 та насос станцияларини модернизация қилиш” ҳамда “Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 118 та насос станцияларини модернизация қилиш” лойиҳалари бўйича Қарз битимларининг имзоланишини таъминласин;

жорий йил 30 апрелга қадар “Қарши насос станциялари каскадидан фойдаланиш бошқармаси (И.Курбонов) билан биргаликда жорий йил “Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш (Фаза-III)” лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

9. Вазирнинг биринчи ўринбосари А.Назаров, вазир ўринбосарлари Р.Қаршиев, Б.Камалов ва Д.Ходжахмедов, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқларига:

жорий йилнинг 25 мартига қадар сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисобини юретишнинг шаффоф тизимини яратиш, сув ресурсларининг ҳисоботини юретишни рақамлаштириш, айниқса, шартнома расмийлаштириш ишларида сув хўжалиги ходимлари учун енгиллик яратиш, шунингдек, Сувдан фойдаланувчи шахслар ва улар томонидан фойдаланилган сув ҳажмлари тўғрисида солиқ органларига реал вақт режимида электрон шаклда ахборот тақдим этилишини таъминлаш мақсадида махсус дастурий таъминот ишлаб чиқиш. Ушбу дастурий таъминот орқали кунлик, ўн кунлик ва ойлик давомида олинган сув ҳажмлари бўйича тегишли далолатнома расмийлаштириб борилишини ҳамда Солиқ органларининг махсус ахборот тизимларига интеграция қилинишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишининг назоратини юритувчи “*Ijro.gov.uz*” ижро интизоми идоралараро

ягона электрон тизими ҳамда унга интеграция қилинган вазирлик марказий аппарати ҳамда унинг республика ва ҳудудий ташкилотлари учун махсус ташкил этилган “*water.ijro.uz*” ички электрон ҳужжат тизими, ягона ҳимояланган “*water@exat.uz*” электрон ҳужжат айланиш тизимига ҳамда *uz домен*да яратилган “*minwater.uz*” корпоратив почтасига келиб тушаётган ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тайёрланишини ташкил қилиш, шунингдек, ҳужжатларда баён этилган кўрсатма ва топшириқларнинг белгиланган муддатларда ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган вазифалар ва топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларни ***ҳар ҳафта жума кун*** ва ***вазир ҳузурида ҳар ҳафтанинг душанба кунлари*** муҳокама қилиб борилишини ташкил этиш;

вазирлик марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда белгиланган иш ва топшириқлар натижадорлигини ошириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш, одоб-ахлоқ ҳамда ички тартиб ва меҳнат қоидаларига, шунингдек, касб одобномасига риоя қилиниши устидан тизимли мониторинг юритиш;

ҳар ой якуни билан Мурожаатномада сув хўжалиги соҳасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган Чора-тадбирлар режасининг ижросини вазирлик марказий аппарат йиғилишлари муҳокамасига киритган ҳолда танқидий руҳда муҳокама қилинишини ташкил этиш орқали унинг ижросини таъминлаш борасида йўл кўйилаётган хато ва камчиликлар, қолоқликлар ҳамда ўз ечимини кутаётган мавжуд муаммоларни зудлик билан бартараф этилишини таъминлаш;

ҳар чоракда камида 2 мартаба Мурожаатномада сув хўжалиги соҳасига юклатилган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш, қуйи бўғинда сув ресурсларини самарали бошқариш, уларнинг ҳисоби ва ҳисоботини тўлақонли юритиш, сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни такомиллаштириш ҳамда ушбу жараёнларга давлат-хусусий шерикликни кенг жалб қилиш бўйича топшириқлар ижросини вазирликнинг ZOOM платформаси орқали видеоконференцалоқа (ВКА) тартибидаги ўтказиладиган селектор йиғилишларида чуқур таҳлиллар асосида танқидий руҳда муҳокама қилиб бориш орқали белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши устидан назорат, қатъиятлилиқ ва талабчанликни кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида сув хўжалиги соҳасида юклатилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган Чора-тадбирлар режасида белгиланган топшириқлар ва тадбирларнинг ижросини ўрнатилган муддатда, тўлақонли, сифатли таъминламаган ва ахборот тақдим қилмаган, шунингдек, ижроси кечикишига йўл қўйган раҳбар-ҳодимларга нисбатан тегишли *интизомий жазо чоралари қўллаш юзасидан таклиф (вазирлик буйруқ лойиҳасини) киритиб бориш* вазифалари юклатилсин.

10. Ахборот хизмати бошлиғи (*Матбуот котиби*) Ш.Суюновга вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарлари билан ҳамкорликда:

мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида сув хўжалиги соҳасига юклатилган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича республика босма матбуот, интернет нашрлари, теле ва радиоканаллар орқали шарҳлар берилишини ташкил этиш;

мунтазам равишда сув хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишларни босма матбуот, Интернет нашрлари, теле ва радиоканалларда, шунингдек, вазирликнинг расмий веб-сайти, матбуот котибининг Telegram ижтимоий тармоғидаги канали, Facebook ижтимоий тармоғидаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги” саҳифаси ҳамда Youtube тармоғидаги саҳифасига ахборотлар жойлаштириб борилишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

11. Мазкур ҳайъат йиғилиши қарорининг бажарилишини таъминлаш вазирнинг тегишли ўринбосарларига ва унинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Назаров зиммасига юклатилсин.

Ҳайъат раиси



Ш. Хамраев